



ТАЪЛИМ СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИНГ АҲАМИЯТИ

Каримжанов А¹, Д.А.Каримжонова²

¹педагогика фанлари номзоди, “Бошланғич таълим методикаси”
кафедраси доценти

²ТВЧДПИ. Мактабгача таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.6369522>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 01-mart 2022
Ma'qullandi: 10-mart 2022
Chop etildi: 14-mart 2022

KALIT SO'ZLAR

психологик хизмат,
психологик муҳит,
психологик-педагогик
шарт-шароитлар,
онтогенез, онтогенез,
филогенез, предметли-
манипулятив фаолият.

Ҳозирги глобаллашув шароитида амалий психологиянинг шиддат билан ривожланиши жараёнида психологик хизмат замонавий таълим тизимининг ажралмас таркибий қисми сифатида намоён бўлмоқда. Мамлакатимизда психологик хизматни ривожлантириш борасида мустақилликдан сунг муайян вазифалар бажарилган бўлса - да, сунгги икки - уч йилда соҳа тараққиёти учун мисли курилмаган даражада ишлар амалга оширилди, дейиш мумкин.

Психологик хизмат таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларини амалиётга татбиқ этишда катта аҳамият касб этадиган йуналишлардан бири бўлиб, инсон, шахс саломатлигини, тарбияланувчи, талаба ва ўқувчиларнинг ҳар томонлама, комил инсон сифатида

ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада инсон болалик ва ёшлик даврини психик ривожланиши учун бола туғилганидан бошлаб, ҳар бир ёш даври имкониятларини тўлиқ юзага чиқарадиган қилиб ҳаёти режаслаштирилиши, шарт - шароитлар яратилиши ҳамда психологик хизмат имкониятларидан ўринли фойдаланилиши ҳақида сўз юритилган

ривожланишини, таълим жараёнида шахслараро муносабатларнинг мақсадга мувофиқлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси ва сай - ҳаракатлари натижасида нисбатан қисқа вақт ичида таълим психологик хизматини амалга оширувчи мутахассис - психолог оммавий ва нуфузли касблардан бирига айланмоқда.

Психолог - айна кунда жамият эҳтиёжларини қондиришда, ёш авлоднинг ақлий ва ижодий салоҳиятини руёбга чиқаришда ижтимоий жиҳатдан аҳамиятга эга бўлган янги касбий фаолият турларидан ҳисобланади. Айна вақтда психологлар мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида, турли, шу жумладан, реабилитатсия, коррекция,



ривожлантирувчи, болалар, уқувчилар ва ёшларга, аҳолининг турли қатламлари вакилларига тиббий – психологик - педагогик кўмак бериш йўналишидаги марказларда фаолият юритмоқдалар. Дастлаб, таълимда психологик хизмат тушунчасини ойдинлаштириб олиш зарур. Бу борада бир қатор таърифлар мавжудлигига қарамай, барча олим ва мутахассислар томонидан ягона, бир хил эътироф этилган таъриф мавжуд эмаслигини таъкидламоқчимиз. Бу эса узига хос тарихга эга бўлишига қарамай, таълимдаги психологик хизмат психология фанининг ривожланиб келаётган мураккаб амалий соҳа, тармоғидан бири эканлигидан далолат беради.

Таълим психологик хизмати – мамлакат таълим тизимининг ажралмас таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Бола, уқувчи шахсини ривожлантиришга нисбатан ёндашув таълим психологик хизматининг мактабгача ва халқ таълими тизимида тегишли қўйидаги йўналишларини белгилаб беради: ҳар бир ёшдаги бола билан унинг имкониятлари, салоҳиятини руёбга чиқариш борасида ишларни амалга ошириш; боланинг узига хос, индивидуал хусусиятлари – қизиқишлари, қобилияти, ижодий мойиллиги ва интилишлари, ҳис - туйғуси, муносабатлари, ҳаётий режалари ва ҳоказоларни ривожлантириш; бола, уқувчи мақсадга мувофиқ ривожланиши учун (боғча, интернат, мактабда) қулай психологик муҳит, иқлимни яратиш, бунда бир томондан боланинг уз тенгдошлари ва ёши катталар билан самарали мулоқотини

таъминлаш, иккинчи томондан боланинг онтогенез (ҳаёти давоми) даги ривожланиш босқичларида унинг учун аҳамиятга эга фаолият турларидаги шахсий муваффақиятга эришиш вазиятларини намоён қилиб бориш; нафақат болалар, балки уларнинг ота-онаси, тарбиячилари ва ўқитувчиларини ҳам уз вақтида психологик қўллаб - қувватлаш ва уларга психологик ёрдам кўрсатиш.

Таъкидланганидек, таълим психологик хизмати – давлат таълим тизимининг муҳим таркибий қисмларидан бири экан, унинг мақсади – мактабгача таълим ва халқ таълими тизимидаги тарбияланувчилар, ўқувчиларнинг психологик саломатлигини таъминлаш, асосий вазифаси – барча ёш даврларидаги тарбияланувчи ва ўқувчиларнинг психик, психофизиологик ва шахсий ривожланишига ёрдам бериш, кумаклашиш. Бунда ҳар бир ёш давридаги боланинг имкониятларини рисоладагидек намоён қилиш учун мақбул психологик-педагогик шарт - шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Маълум даражада психологлар ҳар бир боланинг тулақонли психик ва шахсий ривожланиши учун кафил булувчи, узига хослигини қўллаб - қувватловчи мутахассислар сифатида намоён буладилар. Педагогик амалиётда (нафақат педагогик, балки ҳаётнинг бошқа жабҳаларида ҳам) психолог мутахассисларга нисбатан талаб, эҳтиёжнинг ошиб бориши, улар касбий фаолияти қамровининг кенгайиши психологлар ва умуман, психологик хизматга доир методик, ташкилий бошқарув мазмунидаги масалалар,



муаммоларни ҳал этиш заруриятини келтириб чиқарди. Шундай экан тан олиш керакки, айти вақтда ҳали тўлиқ шаклланиб улгурмаган, мамлакатхудудлар – туманлар - таълим муассасалари миқёсида вертикал даражада иши мақсадга мувофиқ тарзда йулга қуйилмаган, узлуксиз таълим тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган таълим психологик хизматининг келгуси ривожини учун илмий-методик адабиётлар яратиш, фаолиятининг барча жиҳатларини тартибга келтириш борасида мутасаддилар, олимлар, мутахассислар олдида бажарилиши лозим булган кўп вазифалар турибди.

Мазкур вазифалар сирасига психологик хизмат тизимининг яхлитлиги, бир бутунлигини таъминлаш ҳам кирадикки, бу барча даражаларда қуйидагиларни назарда тутати: психологик хизмат фаолияти мақсади, вазифалари ва моҳиятини аниқ ва бир хил тушуниш; фаолият мазмунидан келиб чиқиб, мақсадларни амалга оширишни ҳуқуқий ва молиявий жиҳатдан таъминлаш; маҳаллий давлат органлари, тегишли бўлинмалар ва ташкилот ҳамда муассасаларнинг узаро алоқасини йулга қуйиш. Психологик хизмат яхлит тизими фаолияти самарадорлигига кафолат – ҳар бир буғин, бўлинма узининг конкрет вазифаларини изчил, аниқ бажариб боришлари. Умуман олганда, хизмат узи нима? “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “Хизмат” тушунчасига

“1.Бирор иш ёки меҳнат билан шуғулланиш; бирор ишни бажариш; иш, меҳнат.

2. Бирор ташкилот, муассаса ёки корхонада бажариладиган иш, вазифа” дея таъриф берилган.

Хизмат –инсонлар фаолиятининг муайян йўналиши бўлиб, психологик хизматда амалиётчи психологлар ишлашади. Таълим тизимидаги психологик хизмат туғрисида мулоҳаза юритганимизда, у мазкур тизимнинг бир қисми, унсури эканлигини назардан қочирмаслигимиз лозим. Таълим тизимининг бошқа хизматлари (педагогик, бошқарув, ижтимоий, тиббий, ҳуқуқий, овқатланиш, гигиена ва ҳ.к.) каби психологик хизматнинг ҳам асосий вазифаси ёшларнинг таълим-тарбияси билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга йуналтирилгандир. Таълим тизимининг самарадорлиги ундаги хизматлар ва тегишли мутахассис мажбуриятларининг қай даражада амалга оширилаётганига боғлиқ бўлади. Бироқ бунда хизматларнинг ҳар бири, шу жумладан психологик хизмат ҳам таълим тизимининг умумий мақсадларидан ташқари профессионал тайёрланган мутахассислар амалга оширадиган уз конкрет мақсад, вазифаларига эгадир. Таълим психологик хизматида бундай мутахассислар педагогпсихологлар ҳисобланишади.

Педагог-психологлар – амалиётчи психологлар бўлиб, таълим тизимидаги психолог амалиётчилардир. Маълумки, амалиётчи – назарий билимларни амалиётда қўллаб, мустаҳкамловчи мутахассисдир. Шундай экан, назарий, илмий билимлар ҳар қандай амалиётнинг пойдевори, асоси ҳисобланади.



Педагог-психолог – олий психологик маълумотга эга (касбий ёки педагогик қайта тайёрловдан утган) ва билимларини амалиётда қуллай оладиган мутахассис. У маълум бир таълим муассасасида ишлаб, шу билан таълимнинг яхлит тизимига хизмат қилишда иштирок этади. Юқорида таъкидлаганимиздек, таълим психологик хизмати ҳозирги вақтда мамлакатимизда жадал ривожланиш босқичига кириб, психология фани ва амалиётининг махсус йуналишига айланиб улгурди. Бу йуналишнинг пайдо булиши ва ривожланишида хориж олимлари билан бирга республикамиз олимларининг ҳам ҳиссаси беқиёсдир. Айниқса, Б.Г.Ананйев, Л.И.Божович, Л.С.Виготский, П.Й.Галперин, В.В.Давидова, А.Н.Леонтйев, М.И.Лисина, В.С.Мерлин, С.Л.Рубинштейн, Б.М.Теплов, И.В.Дубровина, Й.М.Забродин, А.Д.Андреева каби россиялик психологлар қаторида Э.Ғозийев, Б.Қодиров, В.Каримова, Ш.Баротов сингари узбекистонлик олимлар илмий тадқиқотлари, асарлари билан ушбу соҳа такомилени юқори босқичга кутардилар. Психология фанида амалга оширилган фундаментал назарий тадқиқотлар хулосаларига коъра, инсон психикаси (онтогенез ва филогенезда) тараққиёт, ривожланиш маҳсули ҳисобланади. Инсоният томонидан йиғилган ижтимоий тажрибани узлаштириш жараёнида психик тараққиёт, ривожланиш амалга ошади. Шахс бир бутун психологик тузилма булиб, инсоннинг ижтимоий онг ва хулқ-атвор шакллари узлаштириши жараёнида таркиб топади. Чақалоқ туғилган сониялардан

шахс сифатида шаклланиш жараёни бошланади ва бу боланинг психик ривожланиши билан бирга кечади. Таъкидлаш лозимки, психиканинг ривожини нафақат унинг усиши, балки миқдор узгаришларининг сифат узгаришларига утиши билан боғлиқ турли эврилишлар билан боғлиқ ҳолда ҳам қабул қилиш зарур. Амалий психология ривожиди айниқса, Л.С.Виготскийнинг фундаментал мазмундаги маданийтарихий назарияси муҳим оърин тутади. Олимнинг ғоялари ҳозирги кунга қадар бола психик тараққиёти туғрисидаги узига хос ҳайратомуз, замонавий назарий тасавурлар ҳисобланади.

Ғояларнинг асослилиги психологлар томонидан турли ёшдаги болалар билан утказилган амалий тадқиқотларда уз исботини топган. Л.С.Виготский назариясининг энг муҳим таркибий қисмлари қуйидаги ғояларда намоён боълади: бола дунёқараши ва шахсининг босқичма-босқич такомилди маданий ривожланиш урни; ривожланишда таълимнинг аҳамияти; ҳар бир ёш даврида “ривожланишнинг ижтимоий коъриниши” бола ва муҳит уртасидаги муносабатларда узига хос аҳамият касб этиши. Илмий ва амалий фаолиятда етакчи психолог олимлар томонидан ишлаб чиқилган қуйидаги назарияларга тулиқ суяниш мумкинлиги таълим амалий психологиясида уз исботини топган. Бола фаолияти – унинг психик ривожланишида асосий шартлардан. Бола айнан узи амалга оширган мотиватсиялашган фаолияти натижасида унинг шахси ривожланиши амалга ошади. Таъкидлаш жоизки, бу шаклланиш энг аввало, онтогенезнинг



муайян босқичида етакчи ҳисобланган ҳамда боланинг индивидуал-психологик хусусиятлари таркиб топиши ва психик жараёнлари мазмунини белгилайдиган фаолият тури (мулоқот, уйин, уқиш, меҳнат) таъсири остида кечади. Етакчи фаолият ажратиб курсатилишининг сабаби шундаки, унинг усиб келаётган инсон психикаси ривожига таъсири ниҳоятда каттадир. Шу муносабат билан айрим мактабгача таълим муассасаларида ҳали – ҳануз бола нутқий куникмаларини ривожлантиришга асосий эътибор қаратилаётганини таъкидламоқчимиз. Албатта, тафаккурни ривожлантириш керак, бироқ бунда фақат бир усул устуворлик қилмаслиги лозим. Нутқий куникмаларни ривожлантиришни биринчи уринга қуйиш тарбияда ахлоқий шаклбозликка, таълим жараёнида эса билимларни юзаки узлаштиришга олиб келиши мумкин. С. Л. Рубинштейннинг таъкидлашича (1976), катталар боланинг фаолияти давомида мустақил равишда узлаштиришини четлаб утиб, онгига ҳар қандай маълумотлар ва ахлоқий меёрларни “тиқиштиришга” уриниши усиб келаётган инсон ақлий ривожланиши, шахсий сифат ва хусусиятлари таркиб топишига салбий таъсир курсатади. Бола томонидан ҳар қандай фаолиятнинг узлаштирилиши катталар билан мулоқотда, бевосита уларнинг раҳбарлиги остида амалга оширилганда самарали кечади.

Катталар билан мулоқот бола психик ва шахс сифатидаги ривождаги муҳим омилдир. Ҳар қайси ёш давридаги катталар билан мулоқот шахс шаклланиши жараёнида узига хос функцияни бажаради. Ривожланишнинг дастлабки босқичларида катталар билан мулоқот бола атроф-олам ҳақидаги билимларни тушуниб, узлаштиришига йуналтирилган булади. Бундай мулоқотлар жараёнида бошқа одамлар билан мулоқотга киришиш, уларга ҳиссий муносабат эҳтиёжи юзага келади, психик жараёнлар, предметли - манипулятив фаолият ривожланади ва 6-7 ёшлардагина болада уз шахсий коммуникатив фаолияти юзага келади. Усмирлик даврида тенгдошлари билан мулоқот қилиш эҳтиёжлари биринчи уринга кутарилади. Жамоада қабул қилинган меёрларни онгли равишда қабул қилиш ёки қилмаслик, бошқалар билан муносабатларни йулга қуйиш, узгаларнинг шахсий сифат ва хусусиятларига мослашиш ушбу мулоқот, муносабатлар натижасида шаклланади. Айнан мактабгача ва мактаб даврида мулоқот ва боланинг узини узи англаши, узига узи баҳоси, узини узи йуналтириши сингари хусусиятлар шаклланиши, ривожланиш уртасида боғлиқлик мавжудлиги яққол кузга ташланади.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ягодин Г.А. Перестройка высшей школы и непрерывное образование // Политическое самообразование. 1986.-№17.-С.33-43. 9. Инструктивно-методическое письмо Министерства просвещения РСФСР.-М.,1983.С.20.



2. Александрова О.К. Совершенствование работы по повышению квалификации педагогических кадров. – Киев, 1984. С.16.
3. Каримжанов А. Повышение эффективности методов обучения и воспитания / Материалы конференции. – Душанбе, 1986 г. С.56.
4. Каримжанов А. Пути повышения эффективности учебно - воспитательной работы в начальных классах/Сбор. Трудов.-Д.,1985.С.44.
5. Каримжанов А. Совершенствование формы и методов повышения квалификации учителей начальных классов. Диссертация. Ташкент, 1990 г. Стр.17-24.
6. Каримжанов А. Педагогик тизимни бошқариш асослари. Уқув қулланма. Ташкент, 2008.
7. Каримжанов А. Каримжонова Д.А. Ўқув муассасаларда меъёрий ҳужжатларни юритиш. Уқув қулланма. Ташкент, 2021.
8. Каримжанов А. Каримжонова Д.А. Ўқув қулланма. АЛИФБО ва инкишофи нутқи кўдак. Ташкент 2021